

УЎТ: 375.035

## МАГИСТРАНТЛАРНИ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА “МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ФАНИНИНГ ЎРНИ

З.Қ. Исмоилова - п.ф.д., профессор

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

П.М. Махсудов - доцент, Наманган муҳандислик-технология институти

### Аннотация

Халқ хўжалигининг турли соҳаларига етук мутахассислар ҳамда олий таълим муассасалари учун педагог кадрлар захирасини тайёрлаш магистратура таълимининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал этишда ўқув режадаги "Махсус фанларни ўқитиш методикаси" фани муҳим ўрин эгаллайди. Магистрантларни методик фаолиятга тайёрлаш илмий-педагогик фаолиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мақола магистратура мутахассисликларида "Махсус фанларни ўқитиш методикаси" фанини ўқитиш асосида магистрантларни илмий-педагогик фаолиятга тайёрлашда Педагогика, Психология, умумқасбий ҳамда соҳа йўналишлари бўйича махсус фанлардан олган билим ва кўникмаларини амалиётга татбиқ этиш, олий таълим муассасаларида умумқасбий ва махсус фанлари бўйича дарс беришнинг шарт-шароитлари, ташкилий шакллари ҳамда методлари, шунингдек, уларга оид ўқув меъёрий ҳужжатлар мазмуни билан таништир масалаларига бағишланган. Магистратура мутахассисликларида ушбу фаннинг мазмуни, ўқитилишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган ва уни самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** магистратура, илмий-педагогик фаолият, методик фаолият, махсус фанларни ўқитиш методикаси, методик фаолиятга қарашлар, маъруза машғулоти, амалий машғулоти.

## РОЛЬ УЧЕБНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ “МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ДИСЦИПЛИН” ПРИ ПОДГОТОВКЕ МАГИСТРАНТОВ К НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

З.Қ. Исмоилова, П.М. Махсудов

### Аннотация

Подготовка высококвалифицированных специалистов для различных отраслей народного хозяйства, а также педагогических кадров для высших учебных заведений является основной задачей магистратуры. При решении этой задачи большое значение имеют дисциплины входящие в учебный процесс «Методика преподавания специальных дисциплин». Методическая подготовка магистрантов является основной составляющей части научно-педагогической деятельности. В статье рассматривается магистрская по специальности «Методика преподавания специальных дисциплин» в подготовке магистров для научно-педагогической деятельности в области педагогики, психологии, общепрофессиональных и специальных дисциплин, а также по содержанию их образовательных стандартов. В магистрских специальностях содержание этого предмета было проанализировано и даны рекомендации по повышению его эффективности.

**Ключевые слова:** магистратура, научно-педагогическая деятельность, методическая деятельность, методика преподавания специальных дисциплин, подход к методической деятельности, лекционные занятия, практические занятия.

## THE ROLE OF EDUCATIONAL DISCIPLINE "METHOD OF TEACHING SPECIAL DISCIPLINE "IN THE PREPARATION OF MASTERS TO SCIENTIFIC AND PEDAGOGICAL ACTIVITY

Z.Q. Ismoilova, P. M. Makhsudov

### Abstract

The training of highly qualified specialists for various sectors of the national economy, as well as the training of pedagogical personnel for higher educational institutions, is the main task of the magistracy. At the decision of this problem the educational disciplines entering into educational process "the Technique of teaching of special disciplines" is of great importance. The methodical preparation of undergraduates is the main component of the scientific and pedagogical activity. The article deals with the masters degree in the specialty "Methods of Teaching Special Subjects" in the preparation of masters for scientific and pedagogical activity in the field of pedagogy, psychology, general professional and special disciplines, on issues of organizational forms and methods of vocational and special disciplines as well as the content, of their educational standards in the magistracy specialtie the content of this subjects has been analyzed and the recommendations are given to improve its effectiveness.

**Key words:** magistracy, scientific and pedagogical activity, methodical activity, methodology of teaching special disciplines, approach to methodical activity, lecture classes, practical exercises.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг ижтимоий йўналишида амалга оширилаётган муҳим тадбирлар қаторида олий таълим муассасалари учун педагогларнинг янги авлодини шакллантириш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга, ижодий фикрловчи, бой миллий мерос, шунингдек, умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказиш вазифалари белгиланган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шакллари жорий этиш асосида янада такомиллаштириш” лозимлиги кўрсатиб ўтилган [2].

Бундай шароитда ижтимоий аҳамиятли билим ва қадриятлар жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар талабларига тўла жавоб бера олиш лаёқатига эга, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юрита олувчи мутахассисни шакллантиришга йўналтирилмоғи лозим.

**Асосий қисм.** Халқ хўжалигининг турли соҳалари ҳамда олий таълим муассасалари учун етук педагог кадрлар захирасини тайёрлаш магистратура таълимнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал этишда ўқув режадаги “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда магистратура мутахассисликлари ўқув режаларида магистрантларнинг илмий-педагогик фаолиятига жами 378 соат ажратилиб, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” ўқув фанига эса барча мутахассисликлар учун 20 соат маъруза ва 40 соат амалий машғулот тарзида режалаштирилган.

Олий таълим муассасалари магистрантларининг касбий-педагогик ривожланиши уларнинг мустақил фикрлашлари, ижодкорликлари, фаолликлари, муносабатларининг чуқурлашиб ҳамда бойиб бориши, характер ҳамда дунёқарашларининг турғунлашуви ҳамда ўз-ўзини тарбиялашга бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши, ижтимоий-шахсий қизиқишларининг касбий-педагогик йўналишга эга бўлиши каби ҳолатлар билан тавсифланади. Бўлажак мутахассис учун магистратурада таълим олиш жараёни – бу магистрантларда илмий-педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда касбий жиҳатдан аҳамиятли саналган сифат, билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштириш даври ҳамдир. Педагог шахси шаклланишининг ушбу даврида билимларни жамлаш, сақлаш, узатиш уларнинг мантиқий тузилмасини яратиш ва истиқболда касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишда уларни самарали қўллаш каби жиҳатларни ўзида мужассам эттирган жараён узлуксиз равишда амалга оширилди. Педагогик-психологик фаолият билан боғлиқ қараш, қадрият ҳамда мотивациялар моҳиятан ўзгариб, такомиллашиб боради. Шу билан баробар равишда магистрантлар олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш малакаларини ҳам эгаллаб борадилар.

Магистрантларни илмий-педагогик фаолиятга тайёрлашда фаол ва самарали усул ҳамда шакллардан фойдаланилади. Улар олий таълим муассасаларида олган билим, кўникма ва малакаларини таълим муассасаси шароитига қийинчиликсиз кўчира олиши, таълим жараёнини тез ўзлаштириб олиши, тарбиявий ишларни замон талаблари асосида олиб боришлари керак.

Магистрантларнинг ўз соҳаси бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб боришлари билан бирга уларнинг ўзларидаги билим, кўникма ва малакаларни таълим олувчиларда моҳирона ҳосил қилиб бориш қобилияти ҳам муҳим ўрин тутди. Магистрантларда бундай қобилиятни ривожлантириш олий таълим муассасаларида уларни методик фаолиятга тайёрлаш жараёнида амалга оширилади [3].

Магистрантларни методик фаолиятга тайёрлашнинг мақсади – бўлажак ўқитувчиларда таълим олувчиларга таълим ва тарбия беришда фойдаланиладиган касбий билим, кўникма ва малакаларни юксак даражада қарор топтиришдир.

Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлов мезонлари, босқичлари ва турлари Н.А. Муслимов [4], Ў.Қ. Толипов [5], Ш.С. Шарипов [6] В.П.Косырев [7], Н.Е.Эрганова [8] каби педагог-олимларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган ва ривожлантирилган.

Педагогик адабиётларда методик фаолиятга 3 хил қараш мавжуд:

- биринчи тури бўйича методик фаолият дейилганда ўқитувчи шахсининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган методик иш, унинг дидактик воситалар билан ишлаши, ўқув фани соҳаси бўйича малакасини ошириш тушунилади;

- иккинчи турида методик фаолиятга аниқ бир фанни ўқитиш билан боғлиқ фаолият деб қаралади. Ушбу ҳолда тасниф муаллифлари ўқитувчининг методик ва ўқитишдаги ўзига хосликни инobatга олмайдилар, “методик фаолият”, “ўқитиш фаолияти” иборалари ўзаро синонимлар сифатида ишлатилади;

- учинчи турида методик фаолиятни ўқитувчининг касбий-педагогик фаолияти таркибидаги нисбатан яққол ўзига хосликда намоён бўлувчи мустақил малакалар йиғиндиси сифатида тасаввур қиладилар.

Демак, методик фаолият дейилганда, ўқитувчининг алоҳида бир фан ёки ўқув фанлар цикли бўйича унинг таълим бериш ва ўқитиш фаолиятлараро мувофиқликни таъминлайдиган таълим воситаларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, конструкциялаш ва тадқиқ қилиш фаолияти тушунилади.

Бугунги кунда магистратура мутахассисликларидаги “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани танлов фани ҳисобланиб, фаннинг ўқув дастури ҳар бир олий таълим муассасасидаги шу фанни ўқитишга маъсул бўлган профессор-ўқитувчилар тамонидан тайёрлаб келинмоқда. Магистрлар тайёрлаётган олий таълим муассасаларида “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани бўйича тузилган ўқув дастурларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг мазмуни ва мавзуларнинг кетма-кетлиги кўп ҳолда бир-бирдан кескин фарқ қилмоқда.

Бизнингча, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани бўйича ўқув дастурини тузишда унинг қуйидаги мақсад ва вазифаларни ҳам ҳисобга олиш дастур мукамаллигини оширади (1-расм). Хусусан, мазкур мақола муаллифлари фаолиёт юритаётган олий таълим муассасаларида тузилган ўқув дастурларда фаннинг маъруза машғулотларидан асосан қуйидаги мавзулар ўрин олган: олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, таълим

## Махсус фанларни ўқитиш методикаси фани- касбий педагогиканинг илмий соҳаси

### Фаннинг мақсади

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани магистрларнинг Педагогика, Психология, умумкасбий ҳамда махсус фанлардан олган билим ва кўникмаларини амалга татбиқ этиш, олий таълим муассасаларида умумкасбий ва махсус фанлари бўйича дарс беришнинг шарт-шароитлари, ташкилий шакллари ҳамда методлари, шунингдек уларга оид ўқув меъёрий ҳужжатлар мазмуни билан таништирувчи, уларни тайёрлашни ўргатувчи фан бўлиб ҳисобланади.

### Фаннинг вазифалари

- Магистрларда махсус фанларни ўқитиш методикасининг терминалогик тушуниш апаратини шакллантириш;
- Махсус фанларни ўқитишни ташкил қилиш шакллари, мақсад ва вазифаларини лойиҳалаш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- Таълим жараёнини ташкил этилганлигини таҳлил қилиш ва уни самарали баҳолаш билиш;
- Махсус фан ўқитувчисининг методик ишлари тизими бўйича тушунчаларни ҳосил қилиш жараёнида талабалар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришни лойиҳалай олиш бўйича малакаларини шакллантиришдир.

#### 1-расм. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг мақсад ва вазифалари

тамоийллари, махсус фанларни ўқитишнинг ташкилий шакллари ва амалга ошириш методлари, махсус фанлардан маъруза, амалий ва тажриба машғулотларини ўтказиш методикаси, талабалар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш.

Амалий машғулотларда эса фанга оид қуйидаги мавзуларга кенг ўрин ажратилган: олий таълим муассасасининг тузилмаси ва мазмуни, олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тузилиши ва уларни расмийлаштириш, таълим методлари ва уларни амалга ошириш методикаси, махсус фанларни ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш, махсус фанлардан маъруза, амалий ва тажриба машғулотларини ўтказиш методикаси, талабалар билим, кўникма ва малакаларини

назорат қилиш ва баҳолаш, дарсни таҳлил қилиш методикаси бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

**Хулоса.** Юқорида баён этилган мулоҳазалар асосида айтиш мумкинки, магистрантларни методик фаолиятга тайёрлаш илмий-педагогик фаолиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У касбий билим, кўникма ва малакаларни, шунингдек, унга боғлиқ фаолиятга хос характер сифатлари, қобилиятлар, қизиқишлар ва бошқаларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Бу ўринда магистратура мутахассисликларида ўқитиладиган “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанини ўқитишни шаклан ва мазмунан тўғри ташкил этиш, фанни барча магистратура мутахассисликлари учун умумий мазмун асосида ўқитиш муҳим аҳамиятга эга.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўз.Р. Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент, 2017, 7 февраль
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. – Тошкент, 2017, 20 апрель.
3. Исмоилова З.К., Максудов П.М. Касб таълими методикаси фани бўйича ўқув дастурини универсаллаштириш масаласи// «Irrigatsiya va Melioratsiya» журнали. – Ташкент, 2017. – № 1(7). – Б. 72-73.
4. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2006
5. Толипов Ў. Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2004
6. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2012
7. Косырев В.П. Система непрерывной методической подготовки педагогов профессионального обучения. Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. – М.: 2007
8. Эрганова Н. Е. Методика профессионального обучения. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: Изд. центр “Академия”, 2007.